

«Саҳиҳул Бухорий»нинг қўлёзмалари каталоги тузилади



17:35 / 14.03.2025 1167

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташаббуси билан жаҳон фондларида мавжуд бўлган Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланган Имом Бухорийнинг «Саҳиҳул Бухорий» асари қўлёзмаларининг ягона каталогини тузиш ишлари бошлангани ҳақида марказ ахборот хизмати маълум қилди.

Лойиҳа доирасида қўлёзмаларнинг электрон ва факсимиле нусхалари тайёрланиши режалаштирилиб, ушбу каталог ва электрон база Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида шакллантирилиши режалаштирилган. Шунингдек, Туркия Ислом тадқиқотлар маркази ҳам

лойихада халқаро ҳамкор сифатида иштирок этади.

Лойиха натижасида «Саҳиҳул Бухорий» асарининг қўлёзма мероси илмий асосда тадқиқ этилиб, унинг аҳамияти янада кенгроқ ёритилади.